
ХИТОЙЛИК ИНВЕСТИТОРЛАР ФАРҒОНАДА ҚУРИЛИШ СОҲАСИГА КАТТА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЙЎНАЛТИРИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДАЛАР

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Хитойнинг Jilin Zhong Tian девелоперлик компанияси раҳбари Чжао Вэй бошчилигидаги ушбу компания вакиллари ҳамда Хуэйженши компанияси таъсисчиси Сун Цзи ва директори Лу Шу Бо билан учрашувлар ўтказди.

Jilin Zhong Tian компанияси вакиллари билан Фарғона шаҳрида беш юлдузли меҳмонхона, савдо-кўнгилочар маркази ҳамда апартамент-резиденция мажмуаси барпо этиш бўйича ишлаб чиқиладиган инвестицион лойиҳа муҳокама қилинди.

Хуэйженши компанияси раҳбарлари билан мулоқот кун тартибидан эса Экошаҳар ҳудудида тўғридан тўғри Хитой инвестицияси ҳисобига ўнлаб 12 қаватли турар-жойлардан иборат мажмуа барпо этиш лойиҳаси ўрин олди.

Хитойда кўплаб люкс меҳмонхоналар ҳамда ресторанлар тармоғига эга бўлган, қурилиш ва девелоперлик соҳасида 17 йиллик тажрибага эга Jilin Zhong Tian компанияси раҳбари Чжао Вэй Фарғонада амалга ошириш режалаштириладиган лойиҳа учун 50 миллион доллар атрофида инвестиция йўналтириш режалаштириладиганини маълум қилди.

Музокаралар натижасига кўра, икки ҳафта муддатда хитойлик инвесторлар томонидан беш юлдузли меҳмонхона, савдо-кўнгилочар маркази ҳамда апартамент-резиденция мажмуасининг мастер-режасини ишлаб чиқилишига келишилди, унга кўра лойиҳани жойлаштириш учун аукционга қўйилган ер майдонларидан турли таклифлар тақдим этиладиган бўлди.

Хуэйженши компанияси таъсисчиси Сун Цзи Фарғона шаҳрида барпо этиладиган Экошаҳар ҳудудида бўлиб, амалга ошириладиган ишлар билан танишгани ҳамда ушбу йирик лойиҳада ўз инвестицияси билан иштирок этиб, 12 қаватли турар-жойлар барпо этиш истагида эканини билдирди. Қурилиш соҳасидаги Хитойнинг юксак стандартлари асосида барпо этиладиган ушбу биноларнинг пастки қаватларида савдо мажмуалари ўрин олиши кўзда тутилган.

Фарғона вилоятининг иқтисодий салоҳияти, қурилиш бозорининг мавжуд имкониятлари ҳақида етарли маълумот тўплаганини қайд этган Сун Цзи, ўз мутахассислари билан қисқа муҳокамалардан сўнг инвестиция миқдорини ҳамда барпо этиладиган турар-жойлар сонини аниқ белгилашини, бу рақам 50 миллион доллар билан 90 миллион доллар ўртасида бўлишини билдирди. Бир ҳафтадан сўнг музокараларни давом эттиришга келишиб олинди.

Учрашувларда вилоят ҳокимининг ўринбосари Иқболжон Эргашев ҳам иштирок этди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2023-10-23 20:48:09